



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko‘chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «25» июль

VI-31-53-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий бўлинмаси раҳбари Қобулова Мавлуда Умаржоновнага маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги Термиз шаҳар, “Шодлик” маҳалласи, Баркамол авлод кўчасидаги 12-уй, 2-хонадонни хусусий мулк қилиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 22, 84-моддаларига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий бўлинмаси раҳбари Қобулова Мавлуда Умаржоновнанинг мурожаатини инобатга олиб халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласди:

1. Маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги Термиз шаҳар, “Шодлик” маҳалласи, Баркамол авлод кўчаси, 12-уй, 2-хонадон узоқ йиллар давомида қилган меҳнати, вилоятдаги хотин-қизларни қўллаб қувватлаш борасида амалга оширган самарали фаолияти учун, халқ депутатлари вилоят Кенгаши фаолларининг таклифларини инобатга олиб халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий бўлинмаси раҳбари Қобулова Мавлуда Умаржоновнага беғараз хусусий мулк қилиб берилсин.

2. Термиз шаҳар ҳокимлиги (И.Худойбердиев), Давлат кадастрлари палатаси Сурхондарё вилояти бошқармаси (С.Шаймарданов) юқорида қайд этилган уй-жойга тегишли хужжатларни қонунда белгиланган тартибда расмийлаштиурсин.

3. Сурхондарё вилояти Давлат солик бошқармаси (С.Эшматов) хусусийлаштирилаётган хонадонни ҳисобга олсин ва белгиланган соликларни ўз вақтида ундириб борсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.